БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 281 (19.952). • 1987 йил 8 декабрь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

НОМЕРГА ТЕЛЕГРАММА

## МАРРА ЭГАЛЛАНДИ

Ромитан райони меҳнаткашлари пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар. Давлат қабул пунктларига 49 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» топширилди. Эришилган меҳнат ғалабасига йиллик топшириқларини ортиғи билан, барвақт адо этган Карл Маркс номли, Ленин номли колхозлар, «Партия XXVI съезди», «Октябрь 50 йиллиги», Ибн Сино номли совхозларнинг коллективлари, айниқса катта ҳисса қўшдилар.

Район механизаторлари 22 минг тонна пахтани «пўлат этак»лардан тўкишди. Шоди Нарзиев, Камол Солиев, Файзулла Жомардов, Мақсад Кенжаева каби дала гвардиячилари ўз агрегатларини моҳирлик билан бошқариб, 150—250 тоннадан хом ашё теришга муваффақ бўлдилар.

Айни кунларда район пахтазорларида иш қизғин. Далаларни ғўзапоядан тозалаш ва шудгорлаш ишлари уюшқоқлик билан давом эттирилаётир. Қишлоқ меҳнатчилари агротехниканинг қишки тадбирларини қисқа вақт ичида сифатли бажариш билан келгуси йил ҳосилига пухта замин ҳозирлаш учун барча резерв ва имкониятлардан фойдаланишга ҳаракат қилишмоқда.

## ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАСИ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев мамлакатдаги олтита партиянинг бирлаштирувчилик куч-ғайрати туфайли тузилган Мексика Социалистик партияси миллий кенгаши бош секретари лавозимига сайланиши муносабати билан Хильберто Ринкон Гальярдони қутлади.

«Меҳнаткашлар манфаатлари, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда Сизга, Мексика Социалистик партияси раҳбариятига ва аъзоларига муваффақиятлар тилайман, — дейилади телеграммада. — Мексика Социалистик партиясининг фаолияти СССР билан Мексика ўртасидаги, совет ва мексика халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрдам бераверсин».

(ТАСС).

# ПАРТИЯ КОМИТЕТИ АЪЗОСИ

Коммунист И. Вонтов «Сирдарьяирсстрой» трестига қарашли 3-механизацияланган кўчма колоннада бульдозерчи бўлиб ишлайди. Айни пайтда у область партия комитетининг фаол аъзоларидан бири ҳамдир. Партия комитети аъзоси бўлиш масъулиятли иш ...

[illegible]

# САМИМИЙ МИННАТДОРЛИК

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги муносабати билан табрик ва қутловлар юборган совет ва чет эл гражданларига, давлат ва жамоат ташкилотларига, партиялар ва ҳаракатларга, ҳукуматларга самимий миннатдорлик билдирадилар.

Улуғ Октябрь юбилейининг байрам қилиниши катта сиёсий воқеа бўлди. У совет халқи босиб ўтган тарихий йўлнинг муаккаклиги ва улуғворлигини, ...

[illegible]

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Аргентина, Греция, Ҳиндистон, Мексика, Танзания ва Швеция раҳбарларининг 1987 йил 4 декабрда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев ва АҚШ Президенти Р. Рейганга йўллаган

## ҚЎШМА МАКТУБИ

[illegible]

## М. С. ГОРБАЧЕВ ВАШИНГТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ



Суратда: аэродромда кузатиб қолиш пайти. ТАСС — ЎзТАГ телефотоси.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 7 декабрь куни расмий визит билан Москвадан Америка Қўшма Штатларига жўнаб кетди.

[illegible]

(ТАСС).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

[illegible]

Республика композиторлари ижодий ҳисоботи

[illegible]

(ЎзТАГ).

(Давоми иккинчи бетда).

*Ўзбекистон ССР Олий Совети сессияси олдидан*

# ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 2000 ЙИЛГАЧА МЎЛЖАЛЛАНГАН КОМПЛЕКС УЙ-ЖОЙ ПРОГРАММАСИ ЛОЙИҲАСИНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

**(Давоми. Боши биринчи бетда).**

Партия билан Совет давлатининг уй-жой программасини ҳал этиш соҳасидаги сиёсати изчиллик билан амалга ошира борилиши натижасида Ўзбекистон ССРда уй-жой қурилиши кенг миқёсларда олиб борилмоқда. Ҳозир Ўзбекистон территориясидаги мавжуд уй-жой фондининг 85 процентидан кўпроғи республика ташкил топган кундан буён қурилган. Кейинги 15 йилнинг ўзида меҳнаткашлар 1 миллион 329 мингта квартира олдилар, бу эса республика аҳолисининг ярмидан кўпроғининг уй-жой шароитларига бўлган эҳтиёжини қондириш имконини берди. Қуриб битказилаётган уй-жойларнинг сифати бирмунча яхшиланди, ободончилиги оширилмоқда.

Кооператив уй-жой қурилиши ривожланмоқда. Кейинги беш йиллик мобайнида унинг ўртача йиллик суръатлари 15 процентдан ошди.

Республикада якка тартибда уй-жой қурилиши анъанавий равишда юксак суръатлар билан олиб борилмоқда. Ўтган уч беш йиллик мобайнида аҳоли ўз маблағлари ва давлат кредити ҳисобига 34,3 миллион квадрат метр уй-жой қуриб олди.

Ўзбекистонда қудратли қурилиш комплекси барпо этилган. Йирик панелли уйсозлик қувватларининг ўзи 1987 йил бошларига келиб йилига 3,5 миллион квадрат метрни ташкил этди.

Якка тартибда уй-жой қурувчиларни материаллар билан таъминлаш масалаларига эътибор кучайтирилди, бу эса қурилиш ҳажмлари ва сифатини ҳамда уй-жой биноларининг шинамлигини ошириш имконини берганлиги шубҳасиз.

Хуллас, республикада уй-жой қурилиши ҳажмларини ошириш учун талай ишлар қилинаётган бўлса ҳам, бироқ аҳолини уй-жой билан таъминлашда ҳозирча кўнгилдагидек бурилиш бўлгани йўқ. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетларида, корхона ва ташкилотларда ҳозирги вақтда 240 мингдан кўпроқ оила давлат ва кооператив уй-жойлари олиш учун ҳисобда турибди. Бу кўп жиҳатдан аҳолининг туғилиши юқори даражада эканлиги билан изоҳланади.

КПСС XXVII съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети ишлаб чиққан тегишли программаларда Ўзбекистон ССРда уй-жой қурилишининг 2000 йилгача мўлжалланган асосий кўрсаткичлари белгиланган, уларда ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки уй билан таъминлаш кўзда тутилган. Бу мақсадга эришиш учун республикада 2000 йилгача 2,7 миллионта квартира ёки 209,8 миллион квадрат метр турар жой майдони, шу жумладан: Қорақалпоғистон АССРда 13,96, Андижон областида 18,21, Бухоро областида 17,5, Жиззах областида 5,9, Қашқадарё областида 19,0, Навоий областида 7,5, Наманган областида 16,9, Самарқанд областида 18,0, Сурхондарё областида 15,53, Сирдарё областида 6,66, Тошкент областида 16,4, Фарғона областида 23,0, Хоразм областида 8,06, Тошкент шаҳрида 23,14 миллион квадрат метр уй-жой майдони барпо этиш керак. Ўтказилган иқтисодий ҳисоб-китобларга кўра, уй-жойларнинг қарийб ярмисини аҳоли маблағи ҳисобига банкнинг енгил шартлар билан берадиган кредити ёрдамида қурилади, квартираларнинг 40 процентини корхона ва ташкилотлар «Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқ хўжалик юритишнинг янги шароитларида олинадиган фойда ҳисобига қуришлари лозим. Квартираларнинг қолган қисми давлатнинг марказлаштирилган капитал маблағи ҳисобига қурилади.

Шундай қилиб, уй-жой муаммосини ҳал этишда якка тартибда уй-жой қурилишига катта ўрин берилади. Якка тартибдаги уй-жой қурилишини ташкил этишда ҳозир мавжуд бўлган камчиликларни тугатиш мақсадида уй-жой программаси лойиҳасида якка тартибда уй-жой қурувчиларни ер участкалари билан тўла-тўкис таъминлаш, уларга қурилиш материаллари ва конструкциялари сотиш ҳажмларини кенгайтириш, якка тартибда уй-жой қурадиган ва маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган кооперативлар ташкил этиш, ҳамда бошқа хизматларни йўлга қўйиш кўзда тутилмоқда. Бу ишга раҳбарлик қилиш халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари зиммасига юклатилади.

Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитети, Ўзбекистон ССР Госстройи ва Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитети, уларнинг жойлардаги бўлинмалари билан биргаликда аҳоли пунктларининг бош планларини инвентаризациялаш ишини ташкил этишлари, 2000 йилгача уй-жой қурилишининг программада белгиланган ҳажмлари учун зарур ер участкалари миқдорини аниқлашлари ва шу ер участкаларни ажратиб бериш масалаларини ҳал этишлари лозим. Якка тартибдаги ва кооператив уй-жой қурилишини бошқаришнинг мунтазам системасини ишлаб чиқиб, барча поғоналарда (ижрокомларда, қишлоқ Советларида) бу иш учун тўла жавобгар бўлган конкрет бўлимлар ва мансабдор шахсларни тайинлаб қўйиш керак.

Уй-жой биноларининг пишиқ-пухталигини, индустриялаш даражасини ошириш ва қурилиш муддатларини қисқартириш мақсадида якка тартибдаги уй-жойларни пудрат ва хўжалик усулларида қуриш ҳажмларини анча кўпайтириш кўзда тутилади. Шу усулларда бажариладиган ишларнинг якка тартибдаги уй-жой қурилиши умумий ҳажмидаги улуши XI беш йилликдаги 1 процент ўрнига XIV беш йилликда 27,5 процентга етказилади.

Қишлоқ хўжалик корхоналари ва колхозлар буюртмаси билан пудрат ва хўжалик усулида якка тартибда уй-жой қуришни кенг оммалаштириш уй-жой проблемасини ҳал этишни жадаллаштиришга имкон беради. Якка тартибда уй-жой қуришнинг мазкур турида берилган имтиёзларга мувофиқ материал-техника таъминоти давлат уй-жой қурилиши нормалари асосида амалга оширилади, банк эса уй қурилишининг смета қиймати миқдорида кредит беради. Улгуржи нарх билан қурилган ва чакана нархга нисбатан анча арзон тушадиган уй-жойлар қийматининг ярмини колхозлар ва бошқа давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари ана шу хўжаликларни иқтисодий рағбатлантириш фондлари ҳисобидан тўлайдилар. Уй-жой қийматининг қолган қисми уй эгаси томонидан 25 йил давомида тўланиши керак.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида қабул қилинган Қонун ҳар бир меҳнат коллективига ўзига ишониб топширилган ишлаб чиқариш келтирадиган фойдани ошириш ва шу ҳисобдан ўз уй-жой қурилиши программасини мустақил равишда маблағ билан таъминлаш имконини беради. Корхоналар ва ташкилотлар иқтисодий рағбатлантириш фондидаги маблағлар ҳисобидан, колхозлар ҳамда бошқа кооператив ва жамоат ташкилотлари эса ана шу мақсадлар учун ажратилган ўз маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг кооператив ва якка тартибдаги уй-жой қурилишига моддий ёрдам бериш ҳамда банк томонидан берилган кредитни қисман тўлаш юзасидан ўзларига берилган ҳуқуқлардан кенг фойдаланишлари керак.

Масалан, саноат корхоналари якка тартибда уй қурувчиларнинг тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш, якка тартибда уй-жой қурилаётган массивларни инженерлик жиҳатидан обод этиш, уй қурувчиларни уйларнинг лойиҳалари билан таъминлаш, уларга пул қарз бериб туриш, қурилиш материалларини ташиш, бевосита участкада техникавий маслаҳат бериш каби жуда кўп юмушларни ўз зиммаларига олган шаҳарлар практикасини ҳар қанча қўллаб-қувватласа арзийди. Маҳаллий Советларнинг, жойлардаги архитектура хизматларининг вазифаси уй-жой қурувчиларга зарур бўлган ҳамма нарсаларни биринчи навбатда етказиб беришдан, сўнгра эса янги қурилишларнинг эстетик ва маданий даражаси учун талабни кучайтиришдан иборат.

Уй-жой муаммосининг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантириш даражасига ва суръатига боғлиқдир. Шу муносабат билан Ўзбекистон ССРда 1988—2000 йилларда бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмлари ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш программаси ишлаб чиқилган.

Белгиланган мақсадга эришиш учун 2000 йилда 1985 йилдагига нисбатан, масалан, цемент ишлаб чиқаришни 3,3 баравар, деворбоп материаллар ишлаб чиқаришни 2,9 баравар, оҳак ишлаб чиқаришни 4,4 баравар, дурадгорлик буюмлари ишлаб чиқаришни 2,9 баравар кўпайтиришни таъминлаш талаб этилади.

Илмий-тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик институтларининг ишларини тубдан яхшилашга, уларнинг куч-ғайратини фан-техника тараққиёти ҳамда бутун қурилиш комплекси иши самарадорлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўладиган тадқиқотларни ўтказиш ва жорий этишга сафарбар қилишга эришиш зарур.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари, пудратчи ташкилотлар ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар вужудга келтирилган қувватлардан 100 процент фойдаланиш учун ҳамда уй-жойларни қуришда, меҳнатни ташкил этишнинг илғор формалари ва методларини жорий этиш чоғида қурилиш ишлаб чиқариши пухта ташкил этилиши учун тўла жавобгар бўлишлари керак. Корхоналар ва ташкилотлар хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Госплани, Ўзбекистон ССР Молия министрлиги қурилиш индустрияси ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантиришни пул билан таъминлаш манбалари ҳақидаги масалани ҳал этиши, бунда уй-жой программасини амалга ошириш учун уларнинг эҳтиёжлари анча кўпайтирилишини ҳисобга олиши лозим бўлади.

Шу билан бир вақтда, аҳолига бинокорлик материаллари сотишни ташкил этишни анча яхшилаш талаб қилинади. Ўзбекистон ССРда 1988—1990 йилларда ва 2000 йилгача ёғоч-тахта, бинокорлик материаллари ва ёқилғи билан савдо қилишнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга оид тегишли қарорларда белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини ташкилий жиҳатдан таъминлаш лозим.

Олдимизда кўламлари жиҳатидан кўп қиррали ҳамда амалга ошириш муддатлари жиҳатидан мислсиз масъулиятли ва мураккаб ишлар турибди. Шу сабабли бу вазифани амалга ошириш учун барча партия, совет, хўжалик, жамоат органларининг, меҳнат коллективларининг, республика бутун аҳолисининг куч-ғайратини сафарбар этиш зарур.

Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари уй-жойларни тақсимлаш, квартира олиш учун навбатни белгилаш чоғида социал адолат принципига қатъий риоя этилишини таъминлашлари, квартираларни алмаштириш хизмати ролини оширишлари, мавжуд уй-жой фондини қайта тақсимлашда тегишли тартиб ўрнатишлари лозим.

Уй-жой фондини сақлашни ташкил этиш туб чора-тадбирлар кўрилишини тақозо этмоқда. Уй-жойлардан фойдаланиш қоидаларига риоя этилиши, уй-жой фонди ўз вақтида ва сифатли капитал ремонт қилиниши, уни қишга тайёрлаш тадбирлари амалга оширилишини контрол қилиб боришни кучайтириш зарур. Уй-жой фондини, шу жумладан, коммунал квартираларни реконструкциялаш масаласи ҳам ғоят муҳим масаладир. Бинолардан, инженерлик тармоқларидан фойдаланишни яхшилаш, авария хизматлари ишини тартибга солиш, корхоналар ва ташкилотларга қарашли уйларнинг техник ҳолати учун улардан масъулиятни талаб қилиш лозим бўлади.

Халқ депутатлари Советлари ташкилотлар ва гражданлар уй-жой ҳақидаги қонунларга, уй-жойларни сақлаш ва улардан фойдаланиш тартибига амал қилишларини назорат этиб туришлари керак. Уй-жойлардан фойдаланиш ташкилотлари иши савиясини кескин ошириш лозим, бир қанча шаҳарлар ва аҳоли пунктларида уй-жойларнинг техник паспорти йўқлиги, уй-жойлардан фойдаланувчилар билан квартирани ижарага олганлиги ҳақида шартнома тузилмаслиги, уй комитетларининг фаолиятсизлиги, уйларни намунали сақлаш учун социалистик мусобақа йўлга қўйилмаганлиги каби нонормал аҳволга чек қўйиш зарур.

Уй-жойлардан фойдаланувчилар бир қисмининг уй-жой фонди, инженерлик системалари сақланишига истеъмолчилик муносабатларини тугатиш, хўжасизлик фактларига, баъзан эса давлат уйларига нисбатан ваҳшийларча муносабатда бўлиш ҳолларига чек қўйиш керак. Иморатларнинг аҳволи учун, уларда яшовчиларнинг, инженерлик шохобчалари ўз вақтида профилактика кўригидан ўтказилиши ва бинолар ремонт қилиниши учун халқ депутатлари маҳаллий Советлари, Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги, бошқа министрликлар ва идоралар тегишли бўлинмаларининг масъулияти оширилиши лозим. Уй-жой-коммунал соҳасида, шу жумладан, квартираларни ремонт қилиш, санитария-техника қурилмаларини тартибли сақлаш, подъездларни тозалаш, гражданларнинг бўш вақтни ўтказишларини ташкил этиш юзасидан кооперативларни бутун чоралар билан ривожлантириш лозим.

Халқ депутатлари Советлари уй-жой программаси чинакам комплекс тусда бўлиши учун, уй-жой қурилишини ривожлантириш эса бутун социал соҳани ривожлантириш билан уйғун боғлаб олиб борилиши учун жон куйдиришлари зарур.

Уй-жой қурилиши комплекс программасини амалга ошириш муносабати билан уй-жой Қонуни айрим қоидаларини шу куннинг талабларига мувофиқлаштириш кўзда тутилмоқда. Хусусан, гражданлар шахсий мулк сифатида қурадиган уй-жой қурилиши майдонининг энг юқори ҳажмини кўпайтириш, бошқа бир қанча масалаларни ҳал этиш кўзда тутилмоқда. Ўзбекистон ССР Юстиция министрлиги, Узсовпроф, Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, газета ва журналлар, радио ва телевидение редакциялари тегишли ҳуқуқий ҳужжатларни кенг пропаганда қилишлари зарур.

Республикада 2000 йилгача уй-жой қурилишини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ана шулардан иборат. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгаши 1987 йил 5 декабрдаги мажлисида уй-жой программаси лойиҳасини атрофлича ва танқидий руҳда кўриб чиқди.

2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган уй-жой программаси тиғиз, аммо реал программадир. Республика бутун халқ хўжалиги комплекси самарадорлигини ошириш бу программани бажаришнинг сўзсиз шартидир. Уй-жой муаммосини ҳал этиш умумхалқ иши бўлиб қолиши керак.

---

*• Партия турмуши: ҳисобот йиғилишларида*

# ЕТУКЛИККА ИМТИҲОН

## БУХОРО ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН

Пленум қатнашчилари шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Э. Салимовнинг сайлаб қўйилган орган қайта қуришга қандай раҳбарлик қилаётгани тўғрисида бюро номидан қилган ҳисоботини диққат билан тингладилар. Докладда бу соҳада қилинган ишлар ҳам, йўл қўйилган камчиликлар ҳам тўла ўз аксини топди.

Қайта қуриш ва янгиланишнинг дастлабки босқичи шаҳар экономикаси ва маданий қурилишида бир қатор ижобий ўзгаришлар қилиш имконини берди. Шаҳар саноат корхоналари маҳсулот ишлаб чиқариш планини муддатидан илгари бажардилар. Планга қўшимча ўн миллион сўмликдан зиёд маҳсулот тайёрланди. Маҳсулот таннархи арзонлашиб, меҳнат унумдорлиги ошди. Аҳолига хизмат кўрсатиш, ободончилик соҳасида ҳам ютуқлар кўп.

Лекин эришилган муваффақиятлар партиянинг қайта қуриш ва жадаллаштириш хусусидаги талаблари мезони билан ўлчанганда, ишда ютуқлардан кўра нуқсонлар кўплиги яққол кўзга ташланади. Саноат ишлаб чиқаришида ускуналардан фойдаланиш коэффициенти атиги 1,36 бирликни ташкил қилмоқда. Корхоналар 2-3 сменали ишга суст кўчирилмоқда. Келгуси йилдан хўжалик юритишнинг янгича системасига ўтказиладиган 21 корхонадан 11 таси ҳозирданоқ шартнома мажбурияти бўйича планларни барбод қилмоқда.

Шу йилнинг ўтган тўққиз ойида шаҳар саноат корхоналарида 128 минг сўмлик сифатсиз ишлаб чиқарилган маҳсулот истеъмолчилар томонидан қайтарилди. Айни маҳалда завод ва фабрикаларда 28 миллион сўмлик эҳтиёж бўлмаган моллар омборхоналарда босилиб ётипти. Текширишдан ўтказилган буюмларнинг 62 проценти стандарт талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Капитал қурилишда аҳвол бундан ҳам ташвишли. Асосий фондларни ишга тушириш плани ҳозиргача 62 процент қилиб бажарилди, холос. Ишга туширилиши лозим бўлган ҳар уч объектдан бирида қурилиш графиги бузилмоқда. Қурилиш-монтаж ишлари планларини бажаришда ҳам аҳвол ана шундай.

Хўш, ишдаги бундай жиддий нуқсонларга нималар сабаб бўляпти? Пленум қатнашчилари шу саволга жавоб излашар экан, биринчи навбатда кадрлар резерви билан ишлашдаги камчиликларга эътиборни қаратишди. Кейинги икки йилда раҳбарлик лавозимларига кўтарилган ходимларнинг бир қисми қайта қуриш ишига лаёқатли эмаслиги аён бўлмоқда.

Шаҳар партия комитети бюроси кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда хато кетидан хатога йўл қўйяпти. Жумладан, 163-қурилиш трестининг бошқарувчиси кейинги йилларда уч марта ўзгартирилди. Қурувчилар ишида эса ўзгариш бўлгани йўқ. Шаҳар аҳолиси поликлиника қурилиши тугалланишини сабрсизлик билан кутяпти. Энди ҳамма нарса тайёр бўлган бир пайтда, бино учун лойиҳа бўйича кўзда тутилган лифт йўқлиги аниқланди. Қайсидир ходимнинг масъулиятсизлиги бутун бир объектни фойдаланишга топширишни узоқ муддатга орқага сурди.

Умуман, бинокорлар социал-маиший объектлар қурилишига ҳамон иккинчи даражали вазифа деб қарашмоқда. Масалан, спорт комплекси қурилиши кўп йиллардан буён чўзилиб келмоқда. Шундай бўлишига қарамай бинокорлар объектда бу йил ҳам кўзда тутилган маблағларнинг ярмини ўзлаштиришди, холос. Ваҳолонки, область марказида ёпиқ сузиш бассейни бўлган биронта иншоот йўқ.

Бундай мисоллар шаҳар партия комитети бюроси номенклатурадаги айрим раҳбар коммунистлар билан яқиндан иш олиб бормаётганлигидан, уларнинг масъулиятсизлиги, ишга лоқайдлиги билан муроса қилиб келаётганлигидан далолат беради. Шаҳардаги кўпчилик раҳбарларнинг фаолиятида маъмуриятчилик, буйруқбозлик услуби ҳамон устунлик қилмоқда. Бу эса Давлат корхонаси (бирлашма) тўғрисдаги Қонун кучга кираётган бир пайтда меҳнат коллективларига қимматга тушиши аниқ.

Хўжалик юритишнинг янгича системасига кўчилаётган даврда меҳнат коллективлари фаолиятига партиявий таъсирни кучайтириш айниқса муҳим, деб таъкидлашди музокарада сўзга чиққан партия комитети аъзолари. Бунинг учун эса бошланғич ва цех партия ташкилотлари секретарларига қайта қуриш амалий тажрибаси етишмаяпти. Шаҳар партия комитетининг ходимлари бундай ишни хизмат кабинетларидан меҳнат коллективларига кўчиришлари учун пайт келди.

— Мисол учун шаҳар партия комитети қўллаётган «секретарлар соати»ни олайлик, — деди геология-қидирув экспедицияси ходими, бошланғич партия ташкилоти секретари П. Санъко,— Қани энди бу тадбир шаҳар партия комитетида эмас, конкрет меҳнат коллективларининг ҳузурида ўтказилса. Партия ташкилотининг қайта қуриш тажрибасини биз докладлардан эмас, амалий ишлардан ўрганишни истаймиз. Бошқа шаҳарлар, масалан, қўшни Навоий шаҳридаги меҳнат коллективларида вужудга келган тажрибани ўрганиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

— Ҳозир минбардан туриб айтиладиган ишонтириш сўзлари эмас, амалий ишлар керак, — деди шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси, ижроком раиси Ш. Хайруллаев. — Бюромиз фаолиятида турғунлик аломатлари ҳали таг-томири билан тугатилган эмас. Пленумга тайёргарлик жараёнида 11 ноябрь куни бўлиб ўтган йиғилишимиз бунинг учун аччиқ сабоқ бўлди. Бюронинг ҳар бир аъзоси фаолиятига холисона баҳо берилди, иш услубидаги камчиликлар очиқ айтилди. Бу ишни аллақачон қилиш керак эди. Худди шундай муросасизлик руҳи бугунги пленумда ҳам равшан ифодаланиши зарур. Ишимиздаги камчиликларни яхши билсак, уларни тузатиш осонроқ кечади.

— Тадбирбозлик, шошма-шошарлик шаҳар партия комитети, унинг раҳбарлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда, — деб таъкидлади республика газ саноатининг Бухородаги марказий илмий-тадқиқот лабораторияси бўлим мудири, бошланғич партия ташкилотининг секретари Е. Хайрова. — Пленумга тайёргарлик жараёнида шаҳар партия комитети бюросининг қайта қуришга раҳбарлиги ҳақида саволлар қўйилган анкета бунга мисол бўла олади. Анкета саволларига объектив баҳо бериш учун анча бош қотириш, бафуржа ўйлаш лозим. Партия комитети аппарати ходимлари эса уни тўлдириш учун бизга бир кун муддат беришди. Бундай шошқалоқлик қайта қуриш ишига фойда эмас, зиён келтиради.

— Область марказида соғлиқни сақлаш ишининг ташкил қилиниши ғоят ташвишли аҳволда. Юқумли касалликлар камайиш ўрнига кўпаймоқда. Айниқса болалар ўртасида касалликлар кўпайгани хавотир туғдиради. Раҳбарлар бунинг учун нуқул соғлиқни сақлаш ходимларини айблашади. Соғлиқни сақлаш муассасалари жойлашган бинолар ниҳоятда сифатсиз қурилгани, санитария-гигиена тадбирларини оммавий тарзда ўтказиш учун шаҳарда шароит йўқлиги эса уларни ташвишлантирмаяпти, — деди 1-область касалхонасининг бош врачи Б. Расулев. — Соғлиқни сақлаш ишини йўлга қўйиш учун ҳамма жавобгар. Бу иш устидан таъсирчан назоратни амалга оширадиган жамоатчилик кенгашини ташкил қилиш шаҳар партия комитети бюросининг диққат марказида бўлиши керак.

Пленумда музокарада сўзга чиққанлар республика енгил саноат министри И. А. Таймазовнинг унда иштирок қилаётганидан фойдаланиб тармоқнинг шаҳардаги корхоналари фаолиятига доир муаммолар ҳақида батафсил тўхталишди. Аммо айрим нотиқларнинг сўзларида истеъмолчилик кайфияти яққол сезилиб турди. Улар ўз коллективларида қайта қуриш қандай бораётгани тўғрисида гапириб, партия комитети бюросининг аъзолари фаолиятига конкрет баҳо бериш ўрнига умумий сўзлар билан чекланишди, юқори ташкилотлардан маблағ ва ускуна талаб қилишди. Холбуки, эндиликда ишлаб чиқаришни, социал-маиший қурилишни ривожлантириш ваколатли министрликларга эмас, меҳнат коллективлари қўлига берилмоқда. Фақат меҳнатни самарали ташкил қилган, иқтисодий омилларни оқилона ишга солган раҳбар ўз коллективи учун қулай шароитларни яратишга қодир.

Кўпчилик нотиқлар бюро ишидаги камчиликларни кўрсатиб ўтишди-ю, аммо бюро аъзоси бўлган конкрет шахслар фаолиятига баҳо беришга юзаки ёндашдилар. Бу шаҳар партия комитетида ҳали ҳам конкрет ва принципиал танқид етарли эмаслигини, юзхотирчилик ва андишабозлик барҳам топмаётганини кўрсатади.

Шаҳар партия комитети бюроси аъзолари, шу жумладан унинг биринчи секретари Э. Салимов фаолиятида хўжалик ишларига кўпроқ берилиб, партиявий-ташкилий, сиёсий-тарбиявий ишга етарли даражада эътибор қилмаслик сезилиб турибди. Бундай вазиятга чек қўйиш вақти келди. Партия қуйи бўғинларини жонли иш марказига айлантириш лозим. Меҳнат кишисининг сўзларига қулоқ тутиш, унга ҳар жиҳатдан мадад бериш керак. Қайта қуриш ишининг муваффақияти пировардида мана шу ердаги иш натижаси билан белгиланади.

Пленумда область партия комитетининг биринчи секретари И. Жабборов нутқ сўзлади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, республика Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров қатнашди ва нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилди.

**Н. НАИМОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

---

*• Газетхон бонг уради*

# ТЕЛЕФОН КИМНИКИ?

Даврада уч киши гаплашиб ўтиришарди.

— Қоқ ярим кечада ўғлимнинг қорни оғриб қолса бўладими, —дея гап бошлади суҳбатдошлардан бири. —Бечора чидаёлмай роса алаҳлади. Ранги-рўйи оппоқ. «Тез ёрдам» чақирмасак, аҳвол чатоқ. Квартирада эса телефон йўқ. Уйимизнинг бурчагида телефон борлиги ёдимга тушди. Автомат телефон эшигини очдим-у, ҳайрон бўлиб қолдим. Телефон трубкаси жойидан узиб олинган эди. Ҳаммаси ўзимизнинг бепарволигимиздан. Икки кун аввал ёш болаларнинг трубкани қарсиллатиб ураётганини кўриб индамай ўтиб кетгандим. Мана энди...

Дарвоқе Урганч шаҳрида аҳоли йил сайин кўпайиб, шунга яраша алоқа хизмати, айниқса, телефонга бўлган талаб ошиб бормоқда. Алоқачилар хизмат пухталиги, унинг сифатли бўлишини таъминлашяпти. Бироқ коллективнинг ўзига боғлиқ бўлмаган қатор муаммолар ҳам бор.

— Аҳолининг алоқа хизматига бўлган талабини тўла қондира олмаяпмиз, — дейди шаҳарлараро телефон станцияси бошлиғи Ортиқ Оллаберганов. —Чунки шаҳарда алоқа кабелларига масъулиятсиз қарайдиган раҳбарлар, қурувчилар ҳам бор. Объектларга тортилган телефон кабелларини узиб кетиш камаймаяпти.

Шаҳарда 138 телефон-автомат ўрнатилди. Айни кунларда шундан 78 таси ишлаяпти, холос. Қолганларининг трубкалари узилган ёки синдириб олинган. Яқинда Ўзбекистон кўчасига ўнта таксофон ўрнатилган эди. Ҳали алоқа станциясига уланмаган аппаратлар борйўғи икки кун турди, холос.

— Телефон-автоматнинг қисмлари ўзига хос конструкцияга эга. Унинг трубкаси, номер тергичини оддий телефон аппаратлари қисмларига алмаштириб бўлмайди, —дея гапини давом эттирди О. Оллаберганов. — Куйбишев шаҳрида бўлганимда телефон-автомат будкаларида «Эсда тутки, телефон сенга доим керак бўлади. Уни асраб-авайла!» деган чақириқни ўқидим. Биз ҳам шаҳримиздаги таксофон будкаларига шундай чақириқ ёзиб қўймоқчимиз. Зора, трубкаларни «илиб» кетишлар камайса.

Станция бошлиғининг куюнганича бор. Чунки шаҳарда алоқа кабелларига, таксофонларга зарар етказиш давом этяпти. Алоқа хизмати монтёрлари аппаратларнинг иш сифатини яхшилаш ўрнига кўпроқ узилган кабелни ямаш, таксофон ремонти билан овора бўлмоқда. Ҳозирги куннинг ўзида шаҳарда ҳар юз киши ҳисобига саккиз телефон номери тўғри келади. Икки-уч йил ичида жами 10 минг номерли икки станция қурилиб ишлай бошлайди.

Шуларни амалга оширишга, телефон алоқаси хизматининг яхшиланишига ҳамма ёрдам бериши лозим. Бироқ бу оддий ҳақиқатни айрим корхоналар, қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари тушунишни истамаяптилар. Алоқа хизматида мана шундай катта ва кичик муаммоларни бартараф этиш фақат алоқачиларнинггина эмас, балки, ҳар биримизнинг вазифамиздир.

**И. ШОМУРОДОВ,**
**Хоразм области.**

---

# ФРАНЦИЯ КОМПАРТИЯСИНИНГ СЪЕЗДИ ТУГАДИ

**ПАРИЖ,** 7 декабрь (ТАСС). Париж яқинидаги Сент-Уэн ишчилар шаҳарчасида 5 кун давом этган Франция Коммунистик партиясининг (ФКП) XXVI съезди тугади. Бу анжуман Франциянинг ҳозирги сиёсий ҳаётида муҳим воқеа, француз коммунистик ҳаракати тарихида салмоқли босқич бўлди. Съездда 116 қардош коммунистик ва ишчи партиялар, миллий-озодлик ҳаракатлари ва прогрессив ташкилотларнинг намояндалари ҳозир бўлдилар. КПСС делегациясига КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Е. К. Лигачев бошчилик қилди.

Барча партия ташкилотларида бир неча ой давом этган узоқ ва ҳар томонлама муҳокама натижасида съездда ФКПнинг янги программаси қабул қилинди. Бу ниҳоятда муҳим ҳужжатда Франциядаги сиёсий, иқтисодий ва социал аҳвол, замонавий халқаро вазият чуқур таҳлил этилган, партиянинг келажак йилларга мўлжалланган асосий вазифалари, стратегияси ва тактикаси белгилаб берилган. Ушбу ҳужжат келгуси йил баҳорида президент сайлови муносабати билан коммунистлар номзоди А. Лажуанини қўллаб-қувватлаш кампаниясининг асоси бўлиб хизмат қилади, деб таъкидланди.

Съезд делегатлари ФКП Марказий Комитети ва Марказий молиявий назорат комиссиясининг янги составини сайладилар.

Бугун Франция Коммунистик партияси янги сайланган Марказий Комитетининг биринчи пленуми бўлди, пленумда Сиёсий бюро, Марказий Комитет секретариати ва Марказий сиёсий назорат комиссиясининг аъзолари сайланди. Жорж Марше яна партиянинг Бош секретари қилиб сайланди.

Сўнгги мажлисда Ж. Марше якунловчи нутқ сўзлади. Коммунистлар анжумани, деб таъкидлади у, жонли, амалий мунозара вазиятида катта муваффақият билан ўтди. Съезд ФКП конкрет ҳаракатлари планини ишлаб чиқиш ва курашнинг асосий йўналишларини белгилашга имкон берди. Ҳозирги давр, деб сўзини давом эттирди нотиқ, кризиснинг янада чуқурлашуви ва Франция иқтисодий аҳволининг ёмонлашуви билан характерланади. Айни вақтда маъмурлар ва савдо-саноат доиралари коммунистлар ва касаба союз активларини таъқиб қилишни кучайтирмоқдалар. Йирик капитал ўзининг ғаразли режаларини амалга ошириб, ишчилар ҳаракатида нифоқ чиқаришга, синфий кураш алангасини пасайтиришга интилмоқда. Бунга қарши турган яккаю ягона партия — Франция Коммунистлар партиясидир. Сайловолди курашининг ҳозирги даврида Компартия номзодини қўллаб-қувватлашга меҳнаткашларни сафарбар этиш ва жипслаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир, деб таъкидлади Ж. Марше.

